

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 14 март, № 51 (5471) Чоршанба

## Президент асари ўрганилмоқда

*Қарши шаҳрида Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарини ўрганишга бағишланган семинар ташкил этилди. Унда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.*

### Тадбир

Тадбирда таъкидланганидек, ушбу асарда мустақиллик ўз-ўзидан, осонгина қўлга киритилмагани, сиёсий курашлар авж олган оғир бир шароитда давлатимиз раҳбари томонидан ҳар томонлама пухта ўйланган, оқилона сиёсат олиб борилгани, пировардида Ўзбекистон истиқлолга эришиб, ўз тараққиёт йўлидан изчил ривожлангани акс эттирилган. Айни чоғда мазкур китобни жамиятда одамлар тафаккурини юксалтириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, теран тадқиқ этиш, илмий ўрганиш, энг асосийси, унда баён этилган фикр ва қарашларни кенг тарғиб қилиш зарурлиги алоҳида айтиб ўтилди. Зеро, у ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий ҳаётимизда катта воқеа бўлиб, юртимизнинг яқин ўтмишини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда, шунингдек, асарни ўрганиш ҳамда ундан аҳоли, хусусан, ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Дил сўзи

*Илк бор мактабга борганимизда, биринчи устозимиз шундай деган эдилар: “Сизнинг бахтингиз шундаки, Ўзбекистондек тинч-осойишта юртда туғилдингиз. Бағрикенг ва болажон халқнинг фарзандисиз. Ҳали сизлар эришадиган ютуқларга барчанинг ҳаваси келади”.*

## Тенгсиз жамолингдан илҳомланаман

Бу сўзлар маъносига, мана, энди тушуняпман. Чиндан ҳам, бугун юртимизда мен каби минглаб ёшлар ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсмоқда. Биримиз илм-фан, яна биробимиз санъат, спорт йўналишларида катта ютуқларга эришаяпмиз. Ўзим ҳам қўлимга қалам тутиб, бировга билдириб-билдирмай шеърлар машқ қила бошлаган кезларимдаёқ юксак марраларга етишни орзу қилганман. Чунки менинг юрагимга юртга муҳаббат ҳисси чўғ солди. Шаҳару қишлоқларимиз гўзаллиги, кўз ўнгимда юз бераётган ўзгаришлар, бахтли ва фаровон ҳаётимиздан илҳомланиб ижод оламига қадам қўйдим. Истеъдодли ёшлар қаторида турли адабий кечалар, ижодий учрашувларда мунтазам иштирок этиб, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлганлигим эса мени янада руҳлантирди.

Мактабда ўқиётган пайтимдаёқ, “Баҳор ифори”, “Дунё болаларининг истаги” номли китобларим чоп этилди. Устозларим келажакда яхши ижодкор бўлиб етишиш учун янада кўп ўқиб-изланишим, мумтоз адабий меросимиз ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналарини чуқур ўрганишим кераклигини айтишгач, ўз устимда қаттиқ ишлай бошладим. Интернет орқали жаҳон адибларининг кўплаб янги шеърлари, ҳикояларини топиб ўқиш асносида хорижий тилларни ўрганишга қизиқишим ортди ва инглиз, рус тилларини пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Болаликдан журналист бўлишни орзу қилганим учун ушбу касб эгаси нафақат ижодкор, балки бир нечта чет тилини биладиган кенг дунёқараш соҳиби бўлиши ҳам кераклигини биламан. Шу боис келгусида немис, испан ва хитой тилларини ҳам ўрганиш ниятидаман.

(Давоми 2-бетда).



## ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

*Бухоро вилоятида болалар, жумладан, хотин-қизлар спортига катта эътибор қаратилаяпти. Айниқса, спортнинг бадиий гимнастика тури бу ерда жадал ривожланмоқда. Ҳудуднинг барча шаҳар ва туманларида ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.*

***Вилоятда мазкур нафис спорт тури билан шуғулланиш истагидаги қизлар сафи тобора кўпаймоқда. Уларга сабоқ бераётган мураббийлар сони ҳам ошиб бораётир. Агар 2009 йилда бадиий гимнастика билан 2567 нафар қиз шуғулланган бўлса, 2011 йилга келиб, улар сони 5480 нафардан ортиб кетди.***

### Бадиий гимнастика

Умумтаълим мактабларида бадиий гимнастикага меҳр қўйган қизлар учун махсус тўгараклар ташкил қилинган. Бухоро шаҳрида эса ихтисослаштирилган бадиий гимнастика спорт мактаби фаолияти йўлга қўйилган.

— Мураббийлар сафи ёшлар билан тўлиб бораётгани қувонарли, — дейди вилоят марказидаги “Нафис” спорт мажмуаси раҳбари Азизбек Содиқов. — Яқинда иқтидорли қизларимиздан бири, спорт усталигига номзод, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Сарвина Холиқовани ҳам шу ерга ишга таклиф этдик. Номлари бадиий гимнастика мухлисларига кўпдан таниш Махости Жўраева, Дарья Свечникова ҳам ўз устозлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Римма Хохлова изидан бориб, ёшлар билан машғулотлар олиб боришаяпти. Бу каби саъй-ҳаракатлар самараси маҳоратли спортчиларимизни мамлакат терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Ҳусниябону Ғуломова, Сарвина Холиқова, Замира Санақулова, Дарья Свечникова, Зарема Самадова, Зарина Негматова, Ферангиз Шодиева Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳисобланади. Улар эришаётган натижалар ҳавас қилса арзигулик. Масалан, Замира Санақулова 2010 йилда Хитойда, 2011 йилда Қозоғистонда ўтказилган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. Ўтган йили Россиянинг Уфа шаҳрида ташкил этилган халқаро мусобақада ҳам у олтин медални қўлга киритди.

(Давоми 2-бетда).

**14 март — “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис этилган кун**

## Мафтункор қўшиқлар диёри

Биз, бахшиларнинг танглайини асли Алпомиш баҳодиру Гўрўғли султон боболаримиз сийлаб ўтган. Бу тоифадаги ижодкор қўшиқ-достоннинг матнини ҳижжалаб ёдлаб ўтирмайди. Нота қоғозларига қарамайди. Тор бандларига боғлаб қўйилган сақочли тўданаларини ўйнатиб-ўйноқлатиб, тут ёғочидан ясалган дўмбирасини қўлига олса бўлди — юраклари тўлиб-тошиб, баҳор сувларидай жўшиб, илҳом уммонида сел-сел оқиб, гулгун ёниб қўшиқ куйлайди, терма-достон айтади.

Бахшичилик санъати, унинг меҳнати истиқлол йилларида, муҳтарам Президентимизнинг раҳнамолигида чин маънода рўёбга чиқди. Бахши деганлари, авваллари давраларнинг пойгагида қолиб кетадиган омонат меҳмон эди, ижоди қадрланмас эди. Бугун у ўзининг ҳақиқий ижодкорлик мақомини топди.

(Давоми 4-бетда).

### Янгилик

*Деҳқон дунёни боқади, дейишади. Дарҳақиқат, дастурхонларимиздаги бўрсилдоқ нонлардан тортиб, сархил мева-сабзавотларгача қишлоқ меҳнаткашлари — деҳқонларимизнинг ёзни ёз, қишни қиш демай, қилган фидокорона меҳнатлари эвазига яратилади. Бу турфа неъматлар бозорларимизни безайди. Тириклигимизга, сиҳат-саломатлигимизга, тўкин-сочинлигимизга хизмат қилади. Бугун Ўзбекистонимиз меваларининг довруғи оламга ёйилишида боғбон-соҳибкорларимизнинг муносиб хизматлари бор, албатта.*

## «ДЕҲҚОН ДЎКОНИ»

**Бугун мамлакатимизда 72 та ана шундай савдо шохобчаси қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатмоқда.**

Қишлоқ аҳлига, пешона тери эвазига ризқ-рўз ундираётган деҳқонларимизга зарур шарт-шароитни яратиб бериш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири эканлигининг боиси шунда.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси қошида ташкил этилган “Агротрейдмаркет” корхонасининг асосий мақсади ҳам қишлоқ аҳлига — деҳқон ва фермер хўжаликларига, шахсий томорқа эгаларига намунали хизмат кўрсатишдан иборатдир.

— Шу мақсадда деҳқонларимизга сара уруғликлар, мевали дарахт кўчатлари, кимёвий воситалар ва минерал ўғитлар етказиб бераяпмиз, — дейди корхона раҳбари Абдураҳмон Ҳатамов. — Ҳозир республикамизнинг турли туманларида 72 та ихтисослаштирилган “Деҳқон дўкони” ишлаб турибди. Сўнгги икки ой ичида яна 97 та шундай дўконни ташкил этамиз. Улардан ҳатто ерни бойитувчи биогумуслар, стимуляторлар, деҳқонлар учун зарур турли адабиёт ва қўлланмаларни ҳам харид қилиш мумкин бўлади.

Эътиборлиси, корхонада ҳозирнинг ўзида 1,5 миллиард сўмлик уруғлик, кимёвий восита ва минерал ўғитлар захираси яратилган. Андижон, Наманган, Бухоро ва Фарғона вилоятларида иш бошлаган “Деҳқон дўкони”да эса қисқа фурсат ичида қишлоқ меҳнаткашларига 100 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Бундан, айниқса, ўз томорқасида ҳар хил мева ва сабзавот етиштирувчилар беҳад мамнун.

— Деҳқончилик — жуда нозик, тиғиз меҳнатни талаб этадиган тармоқ, — дейди фарғоналик соҳибкор-боғбон Ҳурматилла Ҳакимов. — Ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида қўлламаган, турли зараркунандаларга қарши зудлик билан чора кўрмаган деҳқон кутилган ҳосилни ололмайди.

(Давоми 2-бетда).

## ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ – ВАТАН РАВНАҚИ

*Президентимиз Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида 2012 йил — Мустаҳкам оила йилининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб, “Бунинг негизида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканлиги”ни алоҳида таъкидлагани ҳаммамизга маълум.*



### Бандлик

Дарҳақиқат, жамият ривожи, юрт тараққиёти, фарзандлар камоли ва уларнинг истиқболи, энг аввало, оилаларимиз тўкислигига боғлиқдир.

Ўтган йили, масалан, Наманган вилоятида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан уларга 4 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бу борада “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда, оилаларда мазкур тармоқни ривожлантиришга, кўҳна қадриятларимиз асосида “Устоз — шогирд” анъанасини қарор топтиришга, бу билан оилалар тўкислигини таъминлаш, фарзандлар тарбиясини тўғри йўлга қўйишга эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Андижон

*“Ҳамкорбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки кўмаги билан “Андметалл ҳамкор” корхонасида кунига 3 минг донагача шифер ҳамда турли ҳажмдаги қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

## Янги лойиҳалар – ишлаб чиқаришга

— Корхонамизни Украинадан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозладик, — дейди унинг раҳбари Улуғбек Абдувоҳидов. — Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли маҳсулот тури кўпайиб, сифати ортиши билан бир қаторда, 20 та иш ўрни ҳам яратилди. Айни кунларда маҳсулотларимизга нафақат водий вилоятларидан, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан буюртмалар тушаяпти.

Вилоятда ўтган йилнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 94 та лойиҳа ҳаётга жорий этилгани диққатга сазовордир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Узун туманидаги “Тўмарис-Истиқлол текстиль” корхонасида болалар кийим-кечаклари ҳамда пайпоқ ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди.*

## Корхонанинг қуввати ошди

Банкнинг молиявий кўмаги билан бу ерга хориждан илғор технологиялар келтирилиб ўрнатилди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида ушбу лойиҳани амалга оширдик, — дейди тадбиркор Дилафрўз Тўхтасинова. — Эндиликда маҳалламизнинг 10 нафар чевари қўлидан чиқаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Жорий йилда туманда тижорат банклари томонидан тадбиркорларга 15 миллиард сўмликдан ортиқ кредит ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан уч баробар кўпдир.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Оҳангарон туманидаги “Фароғат” хусусий корхонасида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.*

## «Фароғат»нинг бежирим либослари

Бу ерда 200 миллион сўмлик маблағ эвазига замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши билан 30 нафар маҳаллий хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Янги жамоа ички бозорга дастлабки 207,5 миллион сўмлик болалар ва катталар кийим-кечакларини етказиб берди.

Ўтган йили бундай янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши ҳисобига вилоятда 6774 та иш ўрни яратилди. Пировардида ҳудудда 340 миллиард сўмлик саноат ва халқ истеъмоли моллари тайёрлашга эришилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Жорий йилда мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида

**176 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестициялар йўналтирилиши режалаштирилмоқда.**

Бунинг ҳисобига узунлиги 172 километрдан ортиқ бўлган “Ургут — Шаҳрисабз” ва “Бойсун — Денов” оптик толали алоқа линияларини қуриш, 89 та янги база станциясини барпо этиш эвазига симсиз алоқа зонасини кенгайтириш, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатгичлар ўрнатиш орқали рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилаётир.

Анжуман

*Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга шу қадар тез сингиб кетдики, бугунги кунда қайси соҳа бўлмасин, унинг истиқболини бусиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш ва ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига жадал татбиқ этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.*

# ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТ

## тезкор, қулай ва иқтисодий жиҳатдан самаралидир

Бунинг натижасида маълумотларнинг электрон алмашинувига асосланган ахборот айирбошлаш тизими тобора оммалашиб бораётир. Шу маънода, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси эксперт кенгашининг навбатдаги мажлиси тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган электрон ҳисоб тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишлангани, айниқса, аҳамиятлидир.

Мазкур тадбирда ахборот узатишнинг электрон шаклига ўтишни жадаллаштириш афзалликлари ҳақида сўз юритилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу кўп томонлама фойдали бўлиб, бошқарув тезкорлигини ошириш, вақтни тежаш, моддий бойликлар, хусусан, қоғозни иқтисод қилиш имконини беради. Шу каби қулайликлари туфайли электрон хизмат кўрсатишнинг ҳажми ва ундан фойдаланиш кўлами тобора кенгайиб бораяпти. Бунга Давлат статистика қўмитаси фаолияти яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, 2011 йилда мазкур қўмита томонидан расмий сайтнинг янги версияси амалиётга жорий қилингач, кенг кўламли давлат интерфаол хизматларини кўрсатиш имконияти вужудга келди. Давлат статистика ҳисоботи бланкаларини тақдим этиш, Интернет тармоғи орқали фирма номларини захирага олиб қўйиш, фуқароларнинг статистикага оид шикоят ва аризалари, таклифларини кўриб чиқиш шулар жумласига киради.

Сўзга чиққанлар қайд этганидек, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат айланмаси тизимини амалиётга кенгроқ жорий қилишни даврнинг ўзи тақозо этаяпти. Бунинг учун ахборот-коммуникация соҳасидаги илғор ютуқлар билан танишиш ва ўзаро тажриба алмашиш доимий диққат-эътиборда бўлиши керак.

Ҳозирги пайтда электрон ахборот алмашинуви ва ҳужжат айланмасидан фойдаланувчилар учун электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш бўйича 9 та марказ фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан қарийб 206 минг дона электрон рақамли имзо калити ва сертификати топширилди. Шунингдек, жойларда 118 та давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органлари “Е-Хат” электрон почта ва “E-Hujjat” электрон ҳужжат айланмаси тизимига улангани соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тенгсиз жамолингдан илҳомланаман

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фахрланиб айтсам арзийдики, кўкламнинг бу йилги фусункор айёми — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали тадбирда энг катта орзуим ижобат бўлди. Адабиёт йўналишидаги интилишларим юқори баҳоланиб, Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. Бугун шундай юксак мукофотга лойиқ саналган юртимиздаги энг истеъдодли қизлар сафида эканлигим мени янада катта мақсад ва марраларга ундамоқда. Муҳташам саҳнага чиқиб, менга ишонч билдирган устозларим қаршисида туриб, ушбу мукофотни олар эканман, келажакда юртим равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган инсон бўлишга ич-ичимда қатъий аҳд қилдим. Шу эзгу ният йўлида ҳар қанча изланиш, ҳар қанча меҳнат ва машаққат бўлса, барига тайёрман!

**Ситора ТОШМАТОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори,**
**Бекобод тумани педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.**

# ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида эса Замира бир эмас, бешта олтин медалга эга бўлди. Эътиборлиси, Замира, Ҳусниябону, Сарвина сингари чемпион қизларга муносиб издошлар етишиб чиқмоқда. Чунончи, вилоят терма жамоасининг беш нафар аъзоси республика Олий спорт маҳорати мактабида ўқишни давом эттирмоқдалар. Туманларда ҳам умидли гимнастикачилар камолга етаяпти. Бухоро туманидан Анна Тен, пешкулик Баҳринисо Эргашева, жондорлик Элиза Шарипова ана шундай истеъдодли ёшлардан. Вилоят терма жамоаси таркибига киритилган бу қизлар айни пайтда тажрибали мураббийлар қўл остида мунтазам ўз маҳоратларини ошириб бормоқдалар. Зеро, вилоят марказидаги “Нафис” спорт мажмуасида улар учун барча қулайликлар муҳайё. Бу ерда иккита спорт, битта балет зали, дам олиш, кийиниш хоналари ихлосмандлар хизматида. Сўнгги икки йил давомида бухоролик гимнастикачи қизларнинг 45 нафари республика биринчилиги мусобақаларида, тўрт нафари мамлакат чемпионатида ғолиб чиққани, Осиё чемпионатида уч нафари ғолиб бўлгани, 20 нафари эса халқаро турнирларда шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилгани юртимизда бу нафис, мафтункор спорт турига берилаётган эътибор натижаси, албатта.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

# «ДЕҲҚОН ДЎКОНИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биласиз, илгари арзимаган бир-икки қоп минерал ўғит ёки ҳашаротга қарши дорини излаган кунларимиз кўп бўлган. Энди-чи? Туман марказида, аҳоли гавжум қишлоқларда “Деҳқон дўкони” очилаётгани мушкулимизни осон қилмоқда. Шундай хайрли ишнинг ташаббускорларига раҳмат, деймиз.

— Бу истиқболли лойиҳамизнинг дастлабки босқичи,— дейди Абдураҳмон Ҳатамов. — Навбатдаги босқичда эса маҳаллий ҳокимликлар билан келишган ҳолда, ҳар бир туман марказида “Деҳқон дўкони” учун 0,12 гектардан ер ажратиш, бу ерда деҳқонларга савдо, сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Демак, деҳқон ва фермерларимиз, боғбону соҳибкорларимизга ўзлари учун зарур нарсаларни харид қилиш, маҳсулотларини шу ернинг ўзида сотиш борасида янада кенгроқ имкониятлар яратилади.

**А. ЗИЁДОВ.**

# ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — ВАТАН РАВНАҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Уюшмамиз аъзолари 811 та бўлса, ўтган йили уларнинг ҳар бирига бир нафардан ёшларни бириктириб қўйдик, — дейди республика “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Икромжон Каримов. — Бу ўзининг ижобий самарасини берди. Яъни ҳунармандларимиз сафи ошиши билан бирга, оилалар фаровонлиги таъминланди. Эндиликда ушбу тажрибани изчил давом эттирмоқчимиз. Шу мақсадда шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллалардаги ёшлар сонини аниқлаб, уларни ҳунармандчиликка жалб этиш, шу орқали оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирларини кўраяпмиз.

Маълумки, азалдан Наманган — ҳунармандлар юрти. Қўли гул кишилар томонидан ишлаб чиқарилаётган камалак рангида товланувчи атлас ва адраслар, тикилаётган чопон ва дўппилар, йигитларимизга алоҳида кўркамлик бағишлайдиган костюм-шимлар, келинларимиз уйини гул-гул яшнатиб юборадиган шоҳи сўзаналар шундан далолат беради. Булар бозорларимизни тўлдириб, оилаларимиз турмуш даражасини ошираётгани, айниқса, эътиборга лойиқ.

*Чиндан ҳам, инсон тафаккури, ақл-идроки кўп нарсага қодир. Биз етмиш ёшни қаршилаётган Латифжон Аҳмаджонов қўлидан чиққан атлас-адрасларга боқарканмиз, беихтиёр хаёлимиздан шу фикрлар ўтди. Латифжон акага тикувчилик ота-боболаридан мерос.*

— Илгари ҳунарманд эканлигимизни яширишга ҳаракат қилардик, — дейди у. — Тўқиган матоларимизу дастгоҳларимизгача уйимиздан олиб чиқиб кетган пайтлар бўлган. Айниқса, атласларимизни бозорга чиқаришда юракни ҳовучлаб турардик. Аллоҳга беадад шукрки, мустақиллик шарофати билан ҳунармандчиликка кенг йўл очилиб, қўлида касби-кори бор одам эъзоз топадиган шундай дориламон кунларга етдик. Қаранг, бир оддий ҳунарманд сифатида Президентимиз Фармонига биноан, “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. “Фонд Форум” танловларида эса “Бегойим”, “Лола”, “Атиргул” каби атласларимга совринлар олдим. Бундан руҳланган ҳолда, эндиликда 5 нафар ёшга қадимий ҳунаримизни ўргатаяпман.

Наманганда ҳар бир оила, ҳар бир инсон гулга, гўзалликка ошуфта. Гап шундаки, гулчилик шунчаки ҳавас эмас, оила иқтисодини кўтариш, фаровонлигини таъминлаш манбаи эканлиги аллақачон исботланган. Мисол учун, Сирожиддин Қодировлар оиласи, мана, 12 йилдирки, гул етиштириб, уни сотиш билан шуғулланади. Шаҳарда бўлиб ўтадиган анъанавий гул байрамларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келади. Гулчилик бу оилага қўшимча даромад келтирмоқда.

— Хонадонимизда мўъжазгина иссиқхонамиз бор, — дейди Сирожиддин. — Бу ерда турфа гуллар етиштириш билан бирга, лимон, мандарин, банан каби цитрус дарахтларини ҳам парваришлаяпмиз. Даромад ҳам шунга яраша. Ўтган йили 15 миллион сўм фойда кўрган бўлсак, жорий йилда даромадимизни 20 миллион сўмга етказамиз, деб турибмиз. Бу эса оиламизни мустаҳкамлаш билан бирга, фарзандларимизни меҳнаткаш, удли-шудли, уддабурон инсонлар бўлиб улғайишида қўл келаяпти.

Наманган вилоятида 772 та маҳалла бор. Уларнинг ҳудудида 250 дан ортиқ оила ҳунармандчилик билан шуғулланмоқда. Бу эса наманганликлар ҳунармандчиликка оила турмушини фаровон этиш, фарзандларимизни жамиятимизга муносиб кишилар этиб тарбиялашнинг муҳим бир бўғини сифатида эътибор қаратаётганларининг яққол тасдиғидир.



**Али ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Яхши хабарлар

***Самарқанд туманидаги “Agromir-Samarkand” қўшма корхонасида мева-сабзавотни қайта ишлашга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилди.***

## Хорижликлар ҳам харидор

Қиймати 3,5 миллион еврони ташкил этувчи ушбу лойиҳа туфайли соатига 9 минг қути шарбат тайёрлаш имконияти юзага келди. Шу билан бирга, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 320 нафарга етди. Айни пайтда корхона маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Хусусан, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси билан қадоқланаётган маҳсулотларга қўшни мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

Вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши туфайли якунланган йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,4 фоизга ўсди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кредит самараси

***Янгибозор туманидаги “Ўрикзор” фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Нурметов саъй-ҳаракати билан сутни қайта ишлаш корхонаси барпо этилди.***

140 миллион сўмлик банк кредити ҳамда хўжаликнинг ўз маблағи эвазига амалга оширилган мазкур лойиҳа шарофати билан бу ерда кунига бир тоннагача сут маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Умуман, ўтган йили туманда 244 та кичик бизнес субъекти ўз фаолиятини бошлади.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбиркорнинг муваффақияти

***Қўрғонтепалик тадбиркор Нўъмонжон Шамсиддинов йилига 280 миллион сўмлик мато тўқишга ихтисослаштирилган “Шарқ мадад мезони” хусусий корхонасини ташкил этди.***

Банкнинг молиявий кўмаги ёрдамида корхонага хориждан илғор технологиялар келтирилиб ўрнатилди. 10 киши меҳнат қилаётган мазкур жамоа ўтган қисқа муддатда 200 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрлашга эришди.

2011 йилда вилоятда кичик бизнес вакиллари томонидан 1207 та лойиҳа амалга оширилиши туфайли 6955 та иш ўрни яратилиб, 45,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Ш. ОДИЛОВ.**

Қисқа сатрларда

● **Навоий вилоятида «Таманно» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда танловнинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган ўн беш нафардан зиёд истеъдодли қизлар пазандалик, орасталик, адабиёт ва санъат йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Иштирокчиларнинг юртимиз тарихи, умрбоқий қадриятларимиз ҳақидаги билимлари, урф-одат ва анъаналар тараннум этилган бадиий чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди. Якуний натижаларга кўра, Навоий шаҳридан Барчиной Ҳазратова биринчи ўринга лойиқ топилди.**

● Зангиота туманидаги “Миришкор Сайфуддинова Хонзода” фермер хўжалиги томонидан пойтахтнинг Учтепа туманида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотни барпо этиш учун 410 миллион сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси, мажмуа таркибидаги замонавий супермаркет қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилишга ихтисослаштирилган. Бу ерда бир ойнинг ўзида салкам 70 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда истеъмолчиларга етказилди.

● **Урганч туманидаги “Элита чорва насл” масъулияти чекланган жамиятида гўштни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Ушбу корхонани барпо этиш учун 250 миллион сўм сарфланди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 45 миллион сўмлик 20 турдаги колбаса маҳсулотлари тайёрланиб, эл дастурхонига тортиқ этилмоқда.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

Наврўз нафаси

*Наврўз арафасида ўтказиладиган турли халқ ўйинлари, кўнгилочар томошалар, спорт беллашувлари кишига олам-олам завқу шавқ бағишлайди.*

## Оналар ибрати

Куни кеча ҳамқишлоқларимиз ана шундай тадбирлардан бирининг гувоҳи бўлишди. Оналар, уй бекалари ўртасида спорт мусобақаси ўтказдик. Унда олтита маҳалланинг ҳар биридан 7 нафардан — 42 нафар уй бекаси спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро беллашди.

Хотин-қизларимизнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобақада Бўстон маҳалласи аёллари фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди. Янгисор ва Жалақудуқ маҳаллаларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Ғолибларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Х. ЭСОНБОЕВА,**
**Жалақудуқ туманидаги «Жалақудуқ» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли.**

Ислоҳот

*Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона сиёсат иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.*

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишида муҳим омил бўлмоқда

Дарҳақиқат, юртимизда мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами кенг. Масалан, истиқлолнинг дастлабки йилида фойда солиғи 45 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 9 фоизгача туширилди. Ишчи-хизматчилардан олинадиган даромад солиғи 60 фоиздан 22 фоизгача, мол-мулк солиғи 1992 йилдаги 5 фоиздан 3,5 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 25 фоизга камайди. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ миқдори эса 2005 йилдаги 13 фоиздан 6 фоизга туширилди. Албатта, аҳоли манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган бу каби тадбирлар катта иқтисодий самара келтирмоқда. Хусусан, айрим солиқ ставкалари камайтирилиши ҳисобига ўтган йили салкам 7 млрд. сўм маблағ корхоналар ихтиёрида қолди. Бу — биргина Қашқадарё вилоятидаги натижа. Шунингдек, кўплаб корхоналар фаолиятини кенгайтириш, уларни илғор технологиялар билан қайта жиҳозлаш, ходимлар иш ҳақларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича бир қатор имкониятлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида вилоятимизда 3219 та солиқ тўловчи 222,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзлардан фойдалангани бунга яққол мисол бўла олади.

Бинобарин, саноат соҳасидаги микрофирма ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси амалдаги 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши ҳисобига жорий йилда вилоят корхоналарининг 1,5 млрд. сўм миқдорида манфаат кўриши кутилмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини унификациялаш ва оптималлаштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 2 бараварга камайди. Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлар учун ҳам солиқнинг ягона ставкалари ҳудудлар бўйича унификация қилиниб, қатъий белгиланди. Бундай имтиёзлар натижасида вилоятдаги якка тадбиркорлар ихтиёрида 1,3 млрд. сўмдан ошиқроқ маблағ қолиши мўлжалланмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, Президентимизнинг 2011 йилнинг 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб, дастлабки 3 йил мобайнида режали солиқ текширувларидан озод қилинди. Бундан ташқари, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда текшириш тақиқланди. Бинобарин, солиқ соҳасида кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш муддатларини 30 календарь кунидан узайтирилишига йўл қўймаслик тартиби ўрнатилди.

Айни вақтда республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга 16 турдаги интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Улар хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлсин, илгаригидек, солиқ идораларига бориб, вақт йўқотмайди. Барча турдаги ҳисоб-китобларни интернет орқали электрон кўринишда жўнатиш ва ўша заҳотиёқ унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумотларни олишлари мумкин. Йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларга тажрибали мутахассислардан дарҳол жавоб олингач, унга ўзгартиришлар киритилади. Вилоятда 2010 йил ҳисоботларини электрон шаклда топширган ташкилотлар 40 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 75 фоизга етди. Шу ҳисобдан 10 тоннага яқин қоғоз ҳам иқтисод қилиб қолинди.

Солиқ тўловчилар ўз қарзлари, тўловлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам компьютер орқали ўз иш жойларидан туриб кўришлари ва бу ҳақдаги керакли маълумотларни олишлари, корхонада ўтказиладиган текшириш муддати ҳамда текширувчи органлар тўғрисида ёхуд хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа жадвалидан кўчирма, республика Давлат солиқ қўмитасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имкониятига эгадирлар. Шунингдек, фуқаролар ўз ариза, шикоят ва сўровномаларини ҳам интернет орқали жўнатиб, уларга оид жавобларни оладилар.

Бошқача айтганда, солиқ тўловчиларга бугунги кунда барча зарур шароит, имтиёз ва енгилликлар яратилмоқда. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан ўз вақтида, мақсадга мувофиқ ва оқилона фойдаланишда.

**Хуррам ЖЎРАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**

# «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

O'ZBEKISTON POCHTASI

**почта алоқа бўлимларига мебель жиҳозларини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.**

**Танловнинг мақсади — почта алоқа бўлимларига мебель жиҳозларини сотиб олиш.**

| Т/р | Маҳсулот тури | Ўлчов бирлиги | Сони |
|---|---|---|---|
| 1. | Бир тумбали ёзув столи (компьютер учун) 1400х800х750 | дона | 693 |
| 2. | Мижозлар учун стол 1500х800х750 (ўртаси ойнали намуна бланкалар учун, баландлиги — 190 мм., узунлиги — 1300 мм.) | дона | 198 |
| 3. | Ҳужжатлар учун шкаф | дона | 227 |
| 4. | Стул | дона | 1281 |

Мебель 16-22 мм. қалинликдаги ЛМДФ ёки ЛДСПдан, 1-2 мм. қалинликдаги мустаҳкам (кромочный) пластик ПВХ ишлатилган ҳолда тайёрланиши керак.

Танловда қайта ташкил этилган, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган, ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Танлов бўйича таклифларни «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга корхона томонидан ишлаб чиқариладиган мебелларнинг фотосуратлари намунаси, лицензия нусхаси илова қилинган ва муҳрланган ҳолда, 2012 йил 2 апрелга қадар қуйидаги манзилга юборилиши сўралади:

**100000, Тошкент шаҳри, Олой кўчаси, 1-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 233-57-47, 232-00-33. Факс: (8-371) 236-09-21.**
**Электрон почта: marketing@post.uz Тўлиқ маълумотларни 232-00-33 телефони орқали олиш мумкин.**

381R/327

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТЛИ ТАЪМИНОТЧИСИ

ROAD INTERNATIONAL

Жанубий Корея сармояси иштирокида ташкил этилган **«Road International Central Asia» МЧЖ** қуйидаги қурилиш техникалари ва бошқа турдаги ускуналарни таклиф қилади:



- **экскаваторлар ва юкловчи экскаваторлар**
- **санчқи мосламали автоюкловчилар**
- **самосваллар, ёқилғи ташувчи ва автокранлар**
- **бетономиксерлар ва автобетонохасослар**
- **метан газ тўлдириш шохобчалари**
- **автомобиллар учун метан газ ускуналари**
- **қуёш энергияси элементлари**
- **дизель, бензин ёнилғиси ва газда ишловчи генераторлар**

муқим ва кўчма шаклдаги

- **асфальт тайёрлаш заводи**
- **тош майдалаш ва қум ишлаб чиқариш заводи (100 - 600 т/соат)**



**БУЮРТМА БЎЙИЧА ИШЛАЙМИЗ.**

Мижозларимиз учун молиявий масалаларда қулай шартларни таклиф қиламиз.

**Ваколатхона манзили:**
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани,**
**Ойбек кўчаси, 14-уй, «Germilea» биноси.**
**Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.**

**Тел./факс: (+99871) 140-10-91, 140-10-92.**
**Масъул шахс — Дилмурод Убайдуллаев.**
**Электрон почта: rico2008@mail.ru**
**Веб-манзил: www.rico21.com**

274R/202

УМНЫЙ ДОМ МАГАЗИН-САЛОН



***Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.***

# IP-камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения

- Превосходная детализация изображения.
- Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов при цифровом увеличении архивных записей или выводе изображения на видеостену.
- Удаленный просмотр и управление камерами через Интернет или через мобильный телефон.
- Поддержка двухсторонней аудиосвязи.
- Одновременная обработка, архивирование и отображение до 4 000 камер и более.

Товар сертифицирован

**238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz**

344R/

# СОТАМИЗ:

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.**
**e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com**

47R/1506

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
**9.00 дан 18.00 гача**
**232-11-15, 236-09-25.**
**E-mail: reklama@xs.uz**

02




**DONGNAM UZ MOTORS**
**Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.**
**www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru**

234R/101

# «SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК

Shurtan Navoi Plast-PE

# «POLIETILEN QUVURLAR» ШК

**Навоий вилоятидаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойидан бошлаб «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонаси ишга туширилди.**

***Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлари ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилаб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.***

***Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.***



**ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚУВУРЛАР**
**50 ЙИЛЛИК**
**КАФОЛАТ МУДДАТИГА ЭГА.**



**Полиэтилен қувурларига мувофиқлик ҳамда гигиеник сертификатлар берилган.**

**Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.**

Шунингдек, буюртмаларни **pe-plast.uz** сайти ва **pe_plast@mail.ru** электрон манзилига юборишингиз мумкин.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ қўрғони.**

419R/156

# «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I.** Савдога Чилонзор тумани СИБ томонидан 2011 йил 25 октябрдаги 37740-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-даҳа, 3-уй, 31-хонадондаги 2 хонали тураржой, умумий майдони — 49,36 кв.м., яшаш майдони — 33,60 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 33 500 834 сўм.***

**II.** Савдога Паркент тумани СИБ томонидан, 2011 йил 3 августдаги 1-441-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Паркент тумани, Заркент қишлоғида жойлашган қўй қўраси бино ва иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 17 500 000 сўм.***

**III.** Савдога Бекобод тумани СИБ томонидан, 2011 йил 1 февралдаги 361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, 6-уйда жойлашган, «Садаф» МЧЖга қарашли бино-иншоотлар, умумий майдони — 3 гектар, ҳақиқий фойдали ер майдони — 2,947 гектар.

***Бошланғич баҳоси — 807 260 000 сўм.***

**IV.** Савдога Бекобод тумани СИБ томонидан, 2011 йил 14 ноябрдаги 13129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони, умумий майдони — 5180 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 205 125 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 18 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 3 май куни бўлиб ўтади.Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш санасидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885..

*Лицензия: RR-0052.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76**

421A/121

# «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



## ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

*(ҚҚС билан)*

**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.



*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

130R/97

# ТАРОЗИЛАР

**Micros** Ўзбекистондаги расмий ҳамкор
**CAS** Корпорацияси (Жанубий Корея)
**МАССА-К** Акциядорлик жамияти

**0,0001 гр дан 250 тоннагача**



**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

- **Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 281-43-64, 281-47-24, факс: 281-43-65;**
- **Тўйтепа к., 5 (Давлат поликлиника бекати), тел.: 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07;**
- **Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: 242-42-52, 249-39-50.**

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

332R/920

# Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 3 МАРТДАН 9 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги 18, 2012-10-сонли қарори.*

**2012 йил 6 мартда 1749-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 16 мартдан кучга киради).**

2. «Табиий монополиялар субъектлари томонидан асосий воситаларни сотиб олиш ёки бериш бўйича битимларни амалга ошириш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 14 февралдаги 4-сон қарори.*

**2012 йил 6 мартда 913-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 16 мартдан кучга киради).**

3. «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 14 февралдаги 3-сон қарори.*

**2012 йил 6 мартда 2125-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 16 мартдан кучга киради).**

4. «Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академиясининг 2012 йил 3 февралдаги 1, 15, 42, 1, 3/2-сонли қарори.*

**2012 йил 6 мартда 1705-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 16 мартдан кучга киради).**

5. «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 24 февралдаги 22, 2012-13-сонли қарори.*

**2012 йил 6 мартда 2336-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 16 мартдан кучга киради).**

6. «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги 17, 2012-4-сонли қарори.*

**2012 йил 9 мартда 2134-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 19 мартдан кучга киради).**

"Ўзэлектртармоқ" унитар корхонаси жамоаси бош директор ўринбосари Холиқ Элмуродовга акаси

**Абдусоат ЭЛМУРОДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Ғарбий Европа тиллари кафедраси ўқитувчиси Нозима Қорабоеванинг волидаи муҳтарамаси

**МУҚАДДАМ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Мафтункор қўшиқлар диёри

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Меҳнатига яраша иззат-икромга эришди. Мамлакатимизда бундан 12 йил муқаддам “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” унвонининг таъсис этилганлиги нафақат бахшичилик, балки халқ оғзаки ижодиёти ва фольклор-этнографик санъатининг янада ривожланиши, юртимизда номоддий бойликларнинг қадрланиши, маънавиятимизнинг юксалиши йўлида катта бурилиш бўлди.

Мен Сурхондарёда шаклланган шерободлик машҳур Шерна бахши мактабининг вакилиман. Дўмбирамнинг торларида устоз айтиб ўтган 30 та достоннинг ранг-баранг оҳанглари жилваланиб туради. Биргина “Гўрўғли” туркумидан 14 та достонни айтаман. “Алпомиш” эса яна ҳам жозибадор дунё. Ҳар бир бахши уни ўзича кашф қилади. Янгилаб боради. Ўзим айтган “Алпомиш” матнини қоғозга туширдим. Нашрга тайёрладим. Она элим, Истиқлолим, чўнг ва қайроқи юртдошларим мадҳи васфида айтилган термаларимни ўзим мусиқа раҳбари бўлиб ишлаётган Қизириқ тумани маданият уйи қошидаги фольклор-этнографик дастаси иштирокчилари алёр-алёр қўшиқларига қўшиб куйлашади. 6 та достоним Ўзбекистон радиосининг мусиқа жавонидан ўрин олган.

100 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган туманимизда қўша-қўша достонларни биладиган йигирмага яқин бахши бор. Алпомишдек ботир боболаримиз, Ойбарчин момоларимизнинг мардлигини ички овоз билан хиргойи қилиб, бундан олам-олам маънавий қувват олаётганлар эса неча ўн минглаб топилади. Биз — қўшиқсевар, санъатсевар халқмиз. Қўшиқларимиз ўтмишимизнинг Қомуси. Дориламон кунларимизнинг тараннуми. Эртанги кунларимизга ишонч мадҳияси. Пешонамга шу ёруғ кунларни Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош, Қодир Раҳим кўзи билан кўриб, уларнинг тиллари билан куйлаб туриш ёзилганидан бахтиёрман.

*Мафтункор қўшиқлар диёри — юртим,*
*Шодмон оҳангларинг дилимга қувват.*
*Ҳавас-ҳайратлари чексиз дунёнинг*
*Шану шавкатингга. Бор бўл, тоабад.*

**Абдуназар ПОЁНОВ,**
**Ўзбекистон халқ бахшиси.**










## ОБ-ҲАВО

(14 март)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -3 -8 | 0 +5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | -2 +3 | +5 +10 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | -2 +3 | +5 +10 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | -2 +3 | +10 +15 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -2 +3 | +3 +8 |
| Тошкент шаҳрида | -1 +1 | +8 +10 |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5